ЖАМИЯТ

№ 28 (708)
2020 йил
7 август,
Жума

Ижтимоий-сиёсий газета | 2006 йил 31 | www.bong.uz | jamiyatgzt@mail.ru

Одам қадри пул биланми?

“Муайян ишлар бажарилди, аммо ҳали етарли эмас!”

Улуғбек “хазинаси”-нинг бир қисми

“Ҳалоллик вакцинаси” унга жуда муҳтожмиз

Сиз туфайли савод чиқардим

«Ҳар гал янги нимадир ёзганингизда бир гапларни айтдим-ов, деб ўйлайсиз ўзингизча. Лекин бари – денгиздан томчи. Дилдагисини умрнинг охиригача айтиб адо қилиб бўлмас! Муҳим гапни айтиш учун аввало, кўнгилда шундай гап бўлиши керак».

Эркин АЪЗАМ

“Кечир бизни, она тилим!”

ҚИСҚА САТРЛАРДА ЎҚИНГ!

2020/2021 ўқув йилидан бошлаб, Тошкент давлат аграр университетининг Андижон филиали негизида Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти ташкил этилади.

“Муайян ишлар бажарилди, аммо ҳали етарли эмас!”

Парламент қўмиталари учун амалга оширилган ишларни сарҳисоб қилиш, дастлабки хулосалар чиқариш ва ўз режаларига аниқлик киритиш вақти келди. Чунки янги сайланган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг фаолиятига ҳам ярим йил бўлди.

Шу ўринда таъкидлаш керак, Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси ўз фаолиятини режа асосида ташкил этиб бормоқда. Чунончи, қонун ижодкорлиги йўналиши бўйича қўмита томонидан жорий йилнинг 6 ойида 10 та қонун лойиҳаси Қонунчилик палатасида қабул қилишга тайёрланди.

Эътиборлиси, қабул қилинган қонунлар қаторида мамлакатимизда узоқ вақтдан бери яшаб келаётган, лекин Ўзбекистон фуқароси ҳуқуқий мақомига эга бўла олмаётган 50 мингта яқин шахснинг ушбу муаммосини ҳал этишга қаратилган “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида”ги Қонун ҳам бор.

Ўтган давр мобайнида қўмита томонидан маҳкумларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг ишончли ҳимоясини таъминлашга қаратилган қонун лойиҳаси ҳам тайёрланди. Хусусан, жиноят-ижроия қонунчилигини такомиллаштириш концепцияси доирасида ишлаб чиқилган ушбу қонун ўз ичида маҳкумларнинг шахсий хавфсизлигини таъминлашга, уларни рағбатлантиришда жамоатчилик ролини оширишга, вояга етмаган маҳкумларга ва маҳкума аёлларга қўшимча ҳуқуқлар беришга қаратилган нормаларни қамраб олган.

Шу билан бирга, қўмита томонидан халқаро шартномаларни ратификация қилиш ва уларга қўшилиш юзасидан 2 та қонун лойиҳаси ҳам Қонунчилик палатасида кўриб чиқиш учун тайёрланди.

Маълумки, парламент қуйи палатасининг мутлақ ваколатларига сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаётимиздаги у ёки бу масалалар юзасидан муҳим қарорлар қабул қилиш ҳам киради. Жорий йилнинг апрель ойида Қонунчилик палатаси томонидан Ўзбекистон Евроосиё иқтисодий иттифоқи билан ҳамкорлигига оид масалани ўрганиш жараёнида ҳам қўмита бевосита иштирок этди. Жумладан, қўмита томонидан халқаро ҳамкорлик ҳамда мудофаа ва хавфсизлик масалаларига оид миллий қонунчилик базаси, ушбу иттифоққа оид шартнома ва тегишли ҳужжатлар ўрганилди, иттифоққа аъзо бўлган давлатлар билан Ўзбекистоннинг ташқи савдо айланмаси тўғрисидаги божхона статистикаси маълумотлари таҳлил қилинди, тегишли вазирлик ва идоралар вакиллари иштирокида муҳокамалар ўтказилди. Ўрганиш натижалари асосида қўмитанинг тегишли хулосаси тайёрланиб, Қонунчилик палатасида ушбу масала бўйича тузилган Ишчи гуруҳга тақдим этилди.

Парламент назорати йўналишида қўмита томонидан 3 маротаба жойларда қонун ҳужжатларининг ижроси ҳолати ўрганилди. Барча ўрганишлар натижаси бўйича видеоконференц алоқа ёрдамида соҳа раҳбарларининг ахборотлари эшитилди ва муҳокама этилди, тегишли қарорлар қабул қилиниб, назоратга олинди.

Парламент назорати йўналишида қўмита томонидан 3 маротаба жойларда қонун ҳужжатларининг ижроси ҳолати ўрганилди. Барча ўрганишлар натижаси бўйича видеоконференц алоқа ёрдамида соҳа раҳбарларининг ахборотлари эшитилди ва муҳокама этилди, тегишли қарорлар қабул қилиниб, назоратга олинди.

Маълумки, Давлат бюджети даромадлари асосий қисми солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар ҳисобидан шакллантирилади, яъни солиқ тўловчилар, кенг маънода, сайловчилар ва оддий фуқаролар ҳисобидан. Демак, парламент томонидан Давлат бюджетини қабул қилиш ва унинг ижросини назорат этиш, маблағлардан мақсадли фойдаланилиши устидан назоратни амалга ошириш муҳим аҳамиятга эга. Жорий йилнинг ўтган даврида қўмита йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2019 йил ҳамда 2020 йил биринчи чорагидаги якунлари ижроси бўйича Молия вазирлиги раҳбариятининг ахбороти эшитилди. Эшитув давомида ҳарбий соҳага, аҳолини озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга ажратилган бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлиги, ушбу масалаларда йўл қўйилган камчиликлар алоҳида муҳокама этилди, вазифалар белгилаб олинди.

Фуқаролар мурожаатлари билан ишлаш, уларда кўтарилган масалаларни ечимини топишга ҳаракат қилиш фаолиятимизнинг муҳим йўналишларидан бири саналади. Ўтган даврда қўмита томонидан кўриб чиқилган 358 та мурожаатларнинг аксарият қисми давлат бошқаруви ва суд органлари фаолиятига, ўз ҳуқуқларини тиклаш масаласига оид мурожаатлар бўлса, яна бир қисми эса таклифлардан иборат. Таклифлар мазмунига кўра, фуқароларнинг ҳуқуқий маданияти юксалаётгани, қонун ҳужжатларининг қабул қилиниши жараёнларига дахлдорлик ҳисси ортаётгани, амалдаги қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан фуқаролик позицияси шаклланиб бораётганлиги яққол сезилмоқда.

Албатта, қўмитанинг олти ойлик фаолияти давомида муайян ишларни бажаришга эришдик, лекин ҳозирги коронавирус пандемияси билан боғлиқ мураккаб вазиятда, жамиятимиз томонидан зудлик билан ҳал этилиши лозим бўлган масалалар кун тартибига қўйилаётган вақтда булар етарли эмас. Бугунги воқелик мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларни тезкорлик билан ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш, қонун лойиҳаларини тайёрлаш, қонунлар ижросини назорат қилиш ишларини янада юқори сифат даражасига олиб чиқишни тақозо этмоқда.

Эркин САЛИХОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси

Суд қарори ўзгарувчан бўлмаса, одамлар ишонади

Давлатимиз раҳбари томонидан «Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармон имзоланди. Хўш, ушбу ҳужжатнинг қабул қилинишига қандай ҳаётий зарурат бор эди?

Қайд этиш керак, ушбу фармон қабул қилингунга қадар Олий Мажлис ҳузуридаги Суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлашга кўмаклашувчи комиссия томонидан тузилган ишчи гуруҳ аъзолари жойларга чиқиб, суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш борасида муаммоларни таҳлил қилди ва жойлардаги аҳволни кўздан кечирди. Суд тизими ходимлари билан учрашувлар ўтказиш баробарида аҳоли, жамоатчилик вакиллари, нодавлат-нотижорат ташкилотлари ҳамда секторлар раҳбарлари билан ҳам суҳбатлашиб, бу борадаги мавжуд камчиликларни бартараф қилишга қаратилган фикр ва таклифлар олинди.

Шу аснода ишчи гуруҳ суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш борасида ўз ечимини кутаётган бир қатор муаммолар борлигига гувоҳ бўлди. Хусусан, суд ходимларини ўз вазифалари билан боғлиқ бўлмаган ишларга жалб қилиш, суд тизимини аҳоли билан мулоқот қилиш бўйича ахборот хизмати мавжуд эмаслиги, судда ишни кўриб чиқишда ва суд иш юритувига ахборот-коммуникация тизимини кенгроқ жорий қилиш кераклиги, суд тизими моддий-техник таъминотидаги муаммолар аниқланиб, уларни бартараф қилиш борасида тегишли таклифлар тайёрланди. Энг асосий эътибор аҳолининг суд тизимига ишончини орттириш учун тўсқинлик қилаётган омилларни аниқлаш ва уларни бартараф қилиш бўйича таклифлар ишлаб чиқишга қаратилди.

Эндиликда, фармон билан юқорида қайд этилган муаммо ва камчиликларнинг аниқ ечимига қаратилган ҳуқуқий механизмлар яратиб берилмоқда. Хусусан, ушбу ҳужжат билан ортиқча суд босқичларини бекор қилиш орқали суд тизимига «бир суд — бир инстанция» тамойилини жорий этиш белгиланди. Яъни суд ишларини назорат тартибида кўриш институти тугатилади ҳамда бир судда ишларни икки босқичда (биринчи ҳамда апелляция ёки кассация) кўриш амалиётига барҳам берилмоқда.

Аввали суд ишларини қайта кўриш бўйича суд инстанцияларининг кўплиги натижасида фуқароларни судда кўрилган ишлар бўйича қайта-қайта бир нечта суд инстанцияларига қатнаб, вақт ва маблағларни сарф қилиб сарсон бўлаётган ҳолатлари ҳам кузатилган эди.

Шу билан бирга, қонуний кучга кирган суд ҳужжатлари арзимаган важ билан Олий суд томонидан назорат тартибида қайта кўриб, бекор қилиниши натижасида суд ҳужжати ижросини таъминлаш билан боғлиқ жараённи чалкашликка олиб келиши билан бирга, фуқароларнинг суд тизимига бўлган ишончи пасайиши ва бу борада ҳақли эътирозларига сабаб бўлаётган эди.

Шунингдек, юқоридаги ҳолатлар натижасида айрим ҳолларда битта мазмундаги суд ишларини бир неча йиллаб, керак бўлса 10 йиллаб қайта-қайта кўриб чиқилишига ва якуний тўхтамга келувчи суд қарори қабул қилинмаётганлиги ҳақида фуқаролардан шикоят келиб тушаётган эди.

Ахир, судга нажот, адолатли ечимни истаб келган фуқаронинг даъвоси бўйича судда аниқ ҳуқуқий ечими топилсагина ҳамда суднинг қарори «ўзгарувчанлик хусусияти»га эга бўлмасагина, фуқаронинг суд тизимига бўлган ишончи ва ҳурмати ошиши мумкин.

Шундан келиб чиқиб, ҳар бир суд инстанциясида кўриладиган ишлар бўйича судьяларнинг масъуллик ва жавобгарлик ҳиссини ошириш ва кейинчалик бекор бўлмайдиган ва ўзгартирилмайдиган суд қарорини қабул қилиш тизимини янада ривожлантириш керак бўлади. Чунончи, бунинг учун судья суд қарор қабул қилишда фақат ва фақатгина қонунга таяниш амалиётини яна такомиллаштириш лозим.

Дилмурод ИСМОИЛОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати

Ушбу саҳифа Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг “Фаровон ҳаёт қонун устуворлигида” грант лойиҳаси асосида тайёрланди.

2020 йилнинг 1 сентябридан Ижтимоий нафақаларни тайинлаш жараёни автоматлаштирилади.

Улуғбек "хазинаси"-нинг бир қисми

Ургутлик Қози Асрорхон ибни Муфтий Умархон ўз даврининг зуллисонайн шоири, мударриси ва маърифатли жамоат арбобларидан бири бўлган. Қози Асрорхон 1873 йилда туғилган. Ёшлик чоғидаёқ Қуръонни ёд олган. Бедил асарларини ўрганган, Жомий ва Навоий хамсасини тўлиқ ёд олган. 1891-1899 йилларда Бухородаги Мир Араб мадрасасида таълим олган. Нотиқлик ва дабирлик санъатини мукаммал эгаллаган. Бухорода Мулло Асвад домла, Хожа Умарча, Мулла Икромча, Эшон Бақохожа каби ўз даврининг машҳур мударрисларидан таълим олган. 1900-1905 йилларда Самарқанддаги Мирзо Улуғбек мадрасасида фаолият олиб борган ва кейинчалик Ургутдаги Нақшин мадрасасида ҳам бош мударрис бўлган. Айни вақтда ҳар куни мунтазам Самарқандга бориб Мирзо Улуғбек мадрасасида ҳам дарс берган.

Ўз даврининг машҳур мударриси ва алломаси Сайид Аҳмад Васлий ўзининг "Назм ус-силсила" асарида маълумот беришича, бу даврда машҳур илм-фан ҳомийси Қози Асрорхоннинг қариндошлари ургутлик Шайх Сайид Муҳиддинхон Бухородаги Мир Араб мадрасаси талабалари ва мударрисларини Самарқандга кўчириб олиб келади. Хожа Муҳиддинхон Бухоро илму маърифатини Самарқандда давом эттирган маърифатпарварлардан. XX асрнинг 20 йилларида Самарқанддаги Мирзо Улуғбек, Ургутдаги Нақшин ва Ғиштин мадрасаларида таълим-тарбия ишлари давом эттирилган. Бу вақтда ўз даврининг заковатли мударрислари ва пешқадам уламоларидан Қори Шариф, Мударрис Ҳамроқул Рофе, Худойберди Махсум, Мулло Юнус кабилар Мирзо Улуғбек ва Ургут мадрасаларида дарс берган. Маълумотларга кўра, Мингтепалик Ҳасанхон махдум ибн Муҳаммад Иброҳим Мингтепа Қозисининг ўғли ҳамда Домла Шариф Ҳисорийлар бир вақтда Ургут ва Мир Араб мадрасаларида ўқишиб, 1925 йилда (санад) диплом олган. Шунингдек, Мулло Холиқберди ва Худойберди, Хожа боболар Самарқанддаги Мирзо Улуғбек мадрасасида, Қутбиддин Муҳиддинов – Қутбий, Мусанниф Абдулазиз, Мулла Шариф, Мулла Шоназар каби зотлар Ургутдаги Мирзо Улуғбек мадрасасининг асосида ташкил этилган Нақшин ва Ғиштин мадрасаларида ўқийди.

Етук шоир, маърифатчи ва мударрис ватанпарвар сифатида катта обрў-эътиборга эга шахс бўлган Муфтақир Садри Зиё, Ҳайрат, Васлий Самарқандий, Мўҳтарам, Таслим каби шоир ва уламолар билан яқин алоқада бўлган. Шоир ва давлат арбоби Муфтақир замон нотинчлигидан қўрқиб, 1922-1924 йилларда Мирзо Улуғбек мадрасасидаги энг ноёб дарсликлар ва қўлланмаларни олиб келиб, ургутлик шогирдларининг уйи болохонаси деворларига жойлатиб, устидан суватиб юборадилар. Аммо қаровсизлик оқибатида болохона қулаб, китоблар йўқолиб кетади. Муфтақир вафотидан сўнг ҳукумат томонидан таъқибга олинган унинг фарзандлари ўз ҳовли-жойларини ташлаб чиқиб кетади. Қолган китоблар 1971-1972 йиллар қозибобонинг кичик ўғиллари Шамсиддинхон ва Маҳкам кулоллар томонидан сўраб келган наманганлик ва андижонлик олиму уламоларга, Қарши, Китоб, Кумқўрғон, Панжакент, Камартош ва Мазор қишлоқларига ҳам бериб юборилган. Мирзо Улуғбек замони ва мадрасасидан қолган бир қисм китобларни 1972 йилда амаким, машҳур кулол Маҳкам бобо менга васиятни бажарганликларини айтиб йиғлаб топширган эди. Китобларнинг 20 донаси менда сақланиб қолган. Қолган китоблар Ургут туманидаги икки қабристонга, Тайлоқ туманидаги Муфтақирнинг шогирдлари ҳовлисига кўмилганлиги тўғрисида маълумотлар бор.

Самарқанд Давлат университетини буюк астроном олим ва темурийзода Мирзо Улуғбек асос солган мадрасаи олиянинг вориси сифатида тан олиш шу пайтгача дунё эътироф этган машҳур олимларимиз таҳсил олган олий таълим даргоҳига берилажак адолатли қарор бўлади. Зеро, мамлакатимиз ҳудудидан етишиб чиққан олиму уламоларимиз, шоиру шуароларимиз, фозилу фузалоларимиз, давлат ва жамоат арбобларини қадрлаш, уларнинг пок номларини тиклаш, таълим-тарбия соҳасидаги хизматларини адолатли баҳолаш вақти келди. Бугунги кунда уларнинг халқимизга ва бутун инсониятга қолдирган бебаҳо меросларига холисона баҳо бериш бизнинг бурчимиздир. Самарқанд Давлат университетининг 600 йиллигининг нишонланиши ватанимиз тарихининг ҳаққоний янги саҳифасини очиб беришига ишонаман.

Акбархон АСРОРОВ,
Филология фанлари номзоди

Эзгулик

Саховатнинг савоби

Тилимизда айрим соҳа эгалари, уларнинг янгиликлар, эзгулииклар сари интилишига, ижодий ишларига қараб ишлатиладиган бир ибора бор. Айниқса, у санъат, маданият, адабиёт ходимлари, рационализаторлар ва ихтирочилар фаолиятига нисбатан кўп қўлланилади. Бу ибора "ижодкорлик" деб аталади. Бугунги кунда элу юрт фаровонлиги, бунёдкорлик жабҳаларида тиниб-тинчимаётган бир қатор тадбиркорларимиз ишлари мисолида ҳам ана шу атамани бемалол қўллашимиз мумкин.

Иштихонлик хусусий тадбиркор Мавлон Оқиловни яқиндан билган, таниган, бегараз хизматидан баҳраманд бўлганлар шундай аташади. Тадбиркорнинг хизматини нафақат унинг очиққўллиги, саховатпеша экани билан, балки ижодкорлиги билан ҳам боғлашади.

Мавлон Оқилов ўз тадбиркорлиги, заҳматли меҳнати билан топилган даромаднинг бир қисмини савоб ишларга йўналтиришни, камбағалларга, беморларга, боқувчисини йўқотганларга ёрдам беришни хуш кўради. Янги йил, Наврўз, Ҳайит байрамларида имконияти чекланган инсонлар, Меҳрибонлик, Саховат уйлари томон шошилади, хасталардан, муҳтожлардан, ногиронлиги бўлганлардан кўнгил сўрайди. Ҳеч қачон уларнинг ҳузурига қуруқ қўл билан бормайди, ёнидаги шогирдлари билан бозордаги энг аъло сифат маҳсулотларни харид қилган бўлади.

Тадбиркор Мавлон Оқилов бир гал Саховат уйидаги қарияларни йўқласа, иккинчи навбатда Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари кайфиятини кўтаради. У вилоят ногиронларни реабилитация қилиш маркази, Мурувват уйидагиларни ҳам ёддан чиқармайди.

Бутун дунёда коронавирус аталмиш офатнинг тарқалиши тадбиркорни хўб ўйга толдирди. Хасталикдан қийналаётган беморларнинг аҳволини кўз олдига келтирди. Айниқса, юртимизда Қурбон ҳайитининг нишонланиши даврида ҳам акс этаётган хунук манзараларни аввалги йиллардаги байрамларда бўладиган шоду хуррамликлар билан муқояса қилар экан, кўнглида

алланечук оғриқ пайдо бўлади.

Ҳайит куни эрта тонгда ёнига турмуш ўртоғи ва фарзандларини чақириб деди:

— Бу дамлар халқимизнинг роса яйраб-яшнаб юрадиган, хурсандчилик қиладиган кунлари. Уларнинг меҳнати, бир-бирига бўлган иззат-ҳурмати, мамлакатимиздаги бунёдкорлик ишлари байрамларга жудаям мос келади. Аммо ҳозирги кунда бундай хурсандчиликлар кўнгилга сиғмайди. Лекин бу вақтинчалик ҳолат. Ҳадемай, коронавирус устидан ғалаба қиламиз. Бу бало билан бутун дунё биргаликда курашаяпти. Халқимиз эзгулик йўлида бирлашиб ҳаракат қилаяпти. Шифокорларимиз эса кечани кеча, кундузни кундуз демай меҳнат қилишаяпти. Хўш, бундай дамда биз нима қилишимиз керак?

Оила аъзолари билишадики, бундай савол бежиз ўртага ташланмаяпти. Хонадон соҳиби, элнинг кўзга кўринган тадбиркори яна бир эзгуликка қўл урмоқчи-ю, бу ҳақда аввал оила аъзолари билан маслаҳатлашиб олмоқчи.

— Одамларимиз уйларида ўтирибди. Ҳамма карантин тартиб-қоидаларига риоя қилаяпти. Аслида, ана шу сабр-бардошнинг ўзи қаҳрамонлик, ана шу сабр-бардош вирусни чекинтиришнинг асосий қуроли. Бизнинг вазифамиз эса шундай одамларни рағбатлантиришга, кайфиятини кўтаришга ҳисса қўшиш. Боқувдаги қўчқорлардан иккитасини сўямиз, 100-150 кило гуруч, шунга яраша ёғ, сабзи ва ошга керакли бошқа масаллиқларини олсак. Ўзимизнинг тўйхонамизда бир ош тайёрлаб, қурбонлик қилайлик. Фақат ошни маҳаллаларга, одамларнинг уйларига ўзимиз етказиб берамиз. Шундай қилинса, карантин қоидалари бузилмайди, Қурбон ҳайити кўпчилик билан биргаликда нишонланган бўлади.

Иштихонда Қурбон ҳайити шундай нишонланди. Ош тумандаги мингдан ортиқ хонадонга маҳалла фуқаролар йиғинлари вакиллари билан биргаликда тарқатилди.

— Байрамларда, яхши-ю ёмон дамларда одамларнинг кам таъминланган эҳтиёжманд қисмига ёрдам кўрсатиш, уларни қўллаб-қувватлаш тадбиркор Мавлон Оқиловнинг доимий одати, — деди "Сафохўжа" маҳалласида истиқомат қилувчилар Тўйчи Камолов ва Олмахон Низомова. — У кишининг муҳтожларга ёрдам бериши, ёшларга панд-насиҳат қилиши ҳаммамизнинг ҳавасимизни келтиради. Бу йил ҳамма ўзи билан ўзи бўлиб, ўзини ўзи яккалаб ўтирганида ҳам Мавлон Оқилов ҳамюртларини унутмади, улар қалбига йўл излади, топқирлиги, ижодкорлиги туфайли кўнгилдан излаганини топди. Унинг қурбонлиги, хонадонларга юборган оши одамлар қалбига бир олам қувонч олиб кирди. Барча орамизда шундай саховатли ажойиб инсон борлигидан суюнди.

Абдурасул САТТОРОВ,
журналист

Бухородаги табиий офатдан талафот кўрган 116 нафар иссиқхона эгаларига вилоят ҳокимлиги томонидан имтиёзли кредитлар ажратилади.

Қадим замонларда бир қироллик бўлган экан. Қиролнинг фақатгина бир кўзи ва бир оёғи бор эди. Аммо жуда ақлли ва меҳрибон эди. Унинг қироллигида ҳар бир инсон бахтли ва соғлом ҳаёт кечиришарди. Кунлардан бир кун қирол сарой даҳлизи орқали юриб аждодларининг суратларини томоша қилбди. Кун келиб ўзининг фарзандлари ҳам худди шу даҳлиз орқали юришларини ва ҳамма аждодларини мана шу расмлар орқали эслашини ўйлаб, юраги ўртанибди.

Нуқсоннинг "чиройи"

Аммо қиролнинг сурати йўқ эди. Жисмоний заифлиги сабаб, расми қандай бўлишини ўйлаб, сиқиларди. Лекин, барибир деворда навбатдаги қиролнинг расми бўлиши керак-ку! Шу сабаб у ўз қироллиги ва бошқа қиролликлардан машҳур рассомларни таклиф қилди. Шундан сўнг қирол унинг чиройли сурати яратилиши ва саройга жойланишини хоҳлашини эълон қилди. Буни амалга ошира оладиган ҳар қандай рассом олдинга чиқиши керак эди. Расм қанчалик яхши чизилганига қараб рассом тақдирланар эди.

Рассомлар қиролнинг аҳволини кўриб, унинг расми қандай чиройли чиқиши мумкинлигини ўйлашди. Бу имконсиз. Расм чиройли чиқмайдиган бўлса, қиролнинг жаҳли чиқиши ҳамда жазолашидан қўрқарди. Бирма-бир рассомлар узр сўраб, одоб билан қиролнинг расмини чизишни рад этишди.

Тўсатдан бир рассом қўлини кўтарди. "Мен сизга, албатта, ёқадиган қилиб расмингизни чизиб бераман", деди. Қирол буни эшитиб хурсанд бўлди. Унга ижозат бериш баробарида керакли имкониятларни ҳам яратиб берди. Рассом суратни бошлади... Ва ниҳоят, узоқ муддатдан сўнг, у сурат тайёр бўлганини айтди.

Барча гувоҳлар, қолган барча рассомлар қизиқиш ва асабийлик билан бир нарсани ўйларди: "қирол жисман ногирон бўлса, рассом уни қанақа тарзда чизди экан? Агар қиролга ёқмаса ва жаҳли чиқса, нима бўлади? Аммо рассом тайёр бўлган расмни тақдим этганида, ҳамма, шу жумладан, қирол ҳам ҳайратда қолди.

Рассом қиролни отда ўтирган ҳолатда, бир оёғини отнинг нариги томонида, қўлида эса камон билан нишонга олаётган ва бир кўзи юмилган тарзда чизган эди. Рассом қаҳрамоннинг ногиронлигини ақл билан яширган ҳолда чизганини кўриб, қирол жуда мамнун бўлди. Унга катта мукофот берди...

Биз ҳар доим бошқаларнинг яхши томонларини ўйлашимиз ва камчиликларини эътиборга олмаслигимиз керак. Биз заифликларни яширишга уриниш ўрнига яхши томонига эътибор қаратишни ўрганмоғимиз лозим. Агар салбий вазиятда ҳам ижобий фикрласак ва шундай ёндашсак, муаммоларимизни янада самарали ҳал қила олишга қодирмиз.

Инглиз тилидан Фарғона вилояти Олтиариқ тумани 9-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Ойдинхон МАДАМИНОВА таржимаси.

Ҳикмат излаганга...

Билиминг — бойлигинг

Билимсизлик — инсоният учун энг қоронғу тундир. Агар сен халқингни бир йил боқмоқчи бўлсанг, буғдой эк, ўн йил боқмоқчи бўлсанг, дарахт эк, агар асрлар давомида боқмоқчи бўлсанг, билим, илм эк.

Эскини эъзозлаб, янгига етган — Илмда муаллим ўрнига ўтган.

Учта йўл илмга олиб боради: фикрлаш йўли — бу энг олижаноб йўл, тақлид йўли — бу энг енгил йўл, тажриба йўли — бу энг оғир йўл.

Доим билимингиз етишмаётганини ҳис қилиб ва худди билимингизни йўқотиб қўяётгандек билим олинг.

Агар ўқисанг-у, ўйламасанг — чалкашиб қоласан. Агар ўйласанг-у, ўқимасанг — шубҳа-гумонлар тагида қолиб кетасан.

Қадимдан одамлар камолотга етиш учун билим олишган.

Хизматдан ортган кучинг, вақтинг бўлса, билим ол. Билим олишда ортган кучинг, вақтинг бўлса, хизмат қил.

Ҳаракатдаман-ку, дея эмакламоқ — бу ҳаракат эмас.

Билим олар экан, олинган билимни такрорлаб туриш фойдали эмасми?

Ўрганган билимларни хотирада сақлаш, қанча ўқиб-ўрганилмасин, бундан қониқиш ҳосил қилмаслик, ўзгаларга сабоқ бериб толиқмасликнинг нимаси қийин.

Фикрламай илм олмоқ — беҳудалик, билим билан суғорилмаган тафаккур эса хатардир.

Ҳақиқий билим кимнингдир билимсизлигидан сақланмақдир.

Конфуций.

Эълон

"SURXON RIELTOR SERVIS" МЧЖ

очиқ аукцион савдоларига таклиф этади

2020 йил 11 август куни соат 11:00 да Термиз шаҳри И.Каримов кўчаси 162-уйда бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда.

2. "Ангор Пахта Тозалаш"АЖга тегишли бўлган Ангор туман "Гиломбоб" маҳалласида жойлашган умумий ер майдони 1,87 га бўлган парранда биноси;

Бошланғич баҳоси: 324 969 523 сўм.

3. "Музработ Пахта Тозалаш" АЖга тегишли бўлган 3 донадан иборат кўчмас мулклар қўйилмоқда.

1. Музработ тумани "Янги диёр" маҳалласи ҳудудида жойлашган, умумий ер майдони 0,029 га бўлган парранда биноси;

Бошланғич баҳоси: 4 354 460 сўм.

2. Музработ тумани "Янги диёр" маҳалласи ҳудудида жойлашган, умумий ер майдони 0,0017 га бўлган Музлаткич (Холодильник Bitzer4 VCS-10.2 (2шт);

Бошланғич баҳоси: 96 852 083 сўм.

3. Музработ туман "Янги диёр" маҳалласи ҳудудида жойлашган, умумий ер майдони 0,023 га бўлган 2 дона Иссиқхона мажмуа ҳолда (Лимонария);

Бошланғич баҳоси: 29 201 737 сўм.

Савдода иштирок этишни хоҳлаган талабгорлар объект билан "Ангор Пахта Тозалаш"АЖнинг ва "Музработ Пахта Тозалаш" АЖнинг масъул ходимлари орқали танишишлари мумкин.

Аукцион савдосида қатнашиш учун талабномалар хабарнома чиққан кундан бошлаб, 2020 йил 11 август кунлари яъни аукцион кундан 3 (уч) кун олдин ариза қабул қилиш тўхтатилишини маълум қиламиз.

Юқоридаги мулклар 2020 йил 11 августдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, ёки савдо ғолиби белгиланган муддатда шартнома имзолашдан бош тортса, шартнома имзолангандан сўнг шартнома шартлари бажармаса, такрорий аукцион савдоси 2020 йил 26 август, 10, 25 сентябрь, ва 12, 27 октябрь, кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Аукцион савдоси ғолиби савдо ўтган кундан бошлаб, 5 (беш) календарь кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномасини тузиш ва шартнома тузилган санадан бошлаб, томонлар келишувига асосан мулкнинг сотилиш баҳосини тўлаб бериш мажбуриятини олади.

Аукцион савдоларида қатнашиш истагини билдирган жисмоний ва ҳуқуқий шахслар закалат келишуви тузилганидан кейин, объект бошланғич баҳосининг 15 (ўн беш) фоизи миқдорида "SURXON RIELTOR SERVIS" МЧЖнинг ХАБ "Траст банк" Термиз филиалидаги (МФО;01063. ИНН;304558702), 2020 8000 3007 1118 3001 ҳисоб рақамига закалат пули тўлашлари ва закалат пули тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат билан бирга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари шарт:

Жисмоний шахслар: фуқаролик паспорти, СТИР (Солиқ тўловчининг идентификация рақами):

Юридик шахслар: Давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат илова қилинган ҳолда. СТИР (Солиқ тўловчининг идентификация рақами).

Мурожаат учун манзил: "SURXON RIELTOR SERVIS" МЧЖ Термиз шаҳри И.Каримов кўчаси 162-уй.

Телефон: (97) 351-80-03,

Хизматлар лицензияланган.

Лицензия RR -0291.

Қисқа сатрларда ўқинг!

Ўзбекистон Республикасининг миллий статистика тизимини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари белгиланди. Унга кўра, статистика органлари фаолиятига аралашишга йўл қўйилмайди.

Устоз адиб, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Эркин Аъзам етмиш ёшга тўлди. Биз, ўтган аср 70-йилларининг мактаб ўқувчилари, ўша йилларда ўзбек адабий майдонига кириб келган ёзувчининг қисса ва ҳикояларини ўқиб савод чиқарганмиз, адабиёт дея аталмиш баҳри муҳитнинг сирли олами билан илк бора ошно бўлганмиз, десам янглишмайман.

Сиз туфайли савод чиқардим

Болалик йилларим, 10-12 ёшлар атрофида бўлсам керак, ёзувчининг «Отойининг туғилган йили», «Кимларга эшик очасан», «Кўк эшик», «Қор босган довон» каби қисса ва ҳикояларини ўқиганман. Мутолаа давомида менда, асар каҳрамонлари каби, олий ўқув даргоҳи талабаси бўлишдек, дастлабки ширин орзулар пайдо бўлган. Шунингдек, китоб ўқишга бўлган бир умрлик иштиёқ, чексиз меҳр шаклланганлигини алоҳида эътироф этишим жоиз. Ўша йиллардан бошлаб, адиб ижодини ўзгача қизиқиш билан кузатадиган, асарларини топиб ўқийдиган бўлдим. Кейинчалик ёзувчининг «Олам ям-яшил», «Анойининг жайдари олмаси», «Шаҳардан одам келди», «Байрамдан бошқа кунлар», «Шоирнинг тўйи», «Пакана ошиқнинг кўнгли», «Қиёфадош», «Эртак билан хайрлашув», «Шовқин», «Эрталабки хаёллар» ва бошқа асарлари билан танишганман.

Эркин Аъзам серқирра ижодкор. Ёзувчи кино, драматургия, публицистика соҳасида ҳам баракали қалам тебратаётир. Адиб асарлари кунчиқар мамлакатидан тортиб Европа давлатларида, Америка қитъасида ҳам чоп этилган, китоб тақдимотлари бўлиб ўтган. Эркин Аъзамнинг журналистикадаги узоқ йиллик фаолияти ҳавас қилса арзигулик. У киши чорак асрдан зиёд вақт мобайнида мамлакатимиз зиёлиларининг энг залворли маънавий-маърифий, ижтимоий-фалсафий мавзудаги нуфузли нашри — «Тафаккур» журналининг бекаму-кўст чоп этилишига бош-қош. 1994 йилдан буён, нашр этиб келинаётган мазкур журнални ҳеч иккиланмай «донишмандлик қўлланмаси» дейиш мумкин.

Ўғил-қизлар, севимли набираларнинг суюмли бобоси Эркин Аъзам, бугун етмишинчи довонни забт этди. Одатда, ҳар қандай инсон маълум бир манзилга етганда, бир муддат тин олиб, ўтган умри давомида қилинган ишлари кўламига назар ташлайди, ақл тарозисида чамалаб кўради. Сўнгра, келажак режаларини тузмоққа киришади. Эллик йилдан буён ижодий сафар машаққатини тортиб келаётган Эркин ака ҳам истиқбол режаларини ўйлаётганига шубҳа йўқ.

Сафарда юрган одамга яхши тилаклар билдириш азалий удумларимиздан. Шунга кўра, адибимизга, истиқболдаги ижодий сафарингиз баракали бўлсин, режаларингиз рўёбини кўриб, юзинчи чўққини эгаллаганингизда сизни қутлаш, барча яқинларингиз, ҳамкасб ва шогирдларингизга насиб этишини тилаб қоламиз. Оилангиз бахтига, адабиётимиз бахтига узоқ йиллар соғ ва омон бўлинг. Ҳеч қачон толиқманг, ҳорманг!

Аброр АСРОРОВ,
Китоб тумани

Депутат фикри

Хабарингиз бор, ҳамон давом этаётган ва кундан-кунга авж олаётган пандемия оқибатида аҳолининг истеъмол товарлари, жумладан, озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талаби кескин ортиб бормоқда.

Синовли кунларда деҳқонларимизни қўллайлик!

Кўпга келган тўй мамлакатимизда ҳам озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабни ички имкониятдан келиб чиқиб, таъминлашни долзарб масалага айлантирган. Бу вазиятда ўзимизда мавжуд имкониятларни ишга солиш, биринчи навбатда, аҳолининг мавжуд томорқа хўжаликларидан унумли фойдаланиши учун зарур шарт-шароит яратиш, томорқа эгаларини суғориш суви, зарур маблағ, экин уруғлари, кимёвий ўғитлар, ёқилғи ва бошқа зарур материаллар билан таъминлаш жудаям муҳим. Энг асосийси, томорқани ривожлантириш орқали мамлакатимизда илк бор очиқ тан олинган ва эълон қилинган камбағаллик даражасини қисқартиш имконияти юқори.

Томорқада бирор экин экиб, маҳсулот етиштириш ишнинг бошланиши. Маҳсулотни сақлаш, сотиш ва бошқа шу каби масалаларни ҳам унутмаслик керак.

Куни кеча Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг инвестициялар ва ташқи иқтисодий масалалари бўйича ўринбосари — Инвестициялар ва ташқи савдо вазири ҳамда Қишлоқ хўжалиги вазирининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг видеоконференцалоқа шаклида ўтказилган навбатдаги "Ҳукумат соати"да берган ҳисоботида ана шу долзарб масалаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Жойларда аҳоли билан ўтган учрашувларимиз давомида ҳам томорқалардан самарали фойдаланиш ҳолатларини ўрганиш баробарида мавжуд муаммоларни бартараф этишга ҳаракат қилдик. Хусусан, қибрайлик сайловчиларимиз билан учрашув доирасида иссиқхоналар қуриш учун кредит маблағлари ажратилиши, ер олиш, маҳсулотларни экспорт қилиш каби қатор масалаларда муаммолар борлиги кўзга ташланди. Ўрганилган ушбу масалалар юзасидан тегишли ҳокимлик ва ташкилотларга депутатлик сўровлари юбориш орқали кўплаб муаммоларни ҳал этишга эришдик.

Умуман олганда, бозорларимизда нарх-навонинг ўринсиз ошиб кетишининг олдини олишни таъминлаш айнан томорқа хўжаликларидан қанчалик унумли фойдаланишимизга боғлиқ. Шуни инобатга олган ҳолда деҳқонларни фаол қўллаб-қувватлаб, барча шарт-шароитларни яратиб беришимиз айни пандемия туфайли юзага келган мураккаб вазиятда сув ва ҳаводек зарур.

Дилбар УСМОНОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати

Буни ҳаёт дейдилар

Бахт ўзи нимадир?..

"Пул десанг берсам, хоҳлаган тақинчоғингни олсанг, остингда машина, данғиллама уйда еганинг олдингда, емаганинг кетингда яшаяпсан. Сен мендан яна нима хоҳлайсан? Сенга бахт ни сотиб олиб бераман?

— Пул, мол-дунё, уй, машина ҳамма-ҳаммаси ўткинчи. Мен учун булар бахт эмас. Мен учун ҳақиқий бахт сизнинг меҳр ва эътиборингиз. Фақатгина шулар оиламиз таянчи бўла олади."

Эрта тонг. Янги кун, илиқ баҳор ҳавосида ўқишга отландим. Қўшнимизнинг дарвозаси очиқ. Ҳовлида баланд овозда тортишув. Юқоридаги гаплар баралла эшитилиб турибди...

Инсон асрлар давомида ривожланиб боради. Замонлар алмашади, аммо инсоният яралгандан буён ўз ўрнига эга бўлиб келаётган муқаддас туйғулар бор. Уларни одамлар ҳеч қачон ўзидан йироқда тасаввур эта олмаган. Булар — меҳр, муҳаббат, ҳурмат, ишонч, садоқат каби инсоний туйғулар. Лекин бугунги кунга келиб, ҳар ким ҳаётни ўз қаричи билан ўлчаб, иш қила бошлади. Баъзида бу туйғуларга қаршилик ҳам кўрсатмоқда. Замон талаби дея ҳамма нарсани бойликка чақиш ярамайди. Инсон қадрлаб келган шундай туйғулар борки, бойлигу пулга ўлчанмайди.

Ўша куни кўнглимни хира қилган бу сўзлар анча вақтгача юрагимга тинчлик бермади. Наҳотки, ҳамма нарсани пулга сотиб ололаман деб ўйлайдиган инсонлар ҳали ҳам бор? Наҳот, қадримизни шу каби ўткинчи нарсаларга тенглаб, ўзимизни пастга ураётган бўлсак, бизнинг бу даражага етишимизга нима сабаб бўляпти экан, дея саволларимга жавоб изладим. Атрофимдаги одамларга эътибор бера бошладим. Хайриятки, атрофимизда инсоният улуғлаган тушунчаларни ҳурмат қиладиган замондошларимиз борлигига амин бўлдим.

Бир куни автобус бекатида тургандим. Ёнимда чиройли кийинган, чамамда 30-35 ёшли киши ҳамда бир аёл турарди. Ҳалиги иши қўлига жуда чиройли тузилган иккита гулдаста кўтариб олган эди. Ёнимиздаги аёл, "бу гуллар кимга" дея савол берди. Йигит "бу гуллар ойижоним ва турмуш ўртоғимга" деди ва қўшимча қилиб, "ҳаётда ҳамма нарса ўткинчи, муҳими, инсонлар бир-бирининг кўнглини олиб яшаши, ҳаммага меҳрибон, энг яқин инсонларга доимо меҳр кўрсатиши лозим. Биздан мана шундай олийжаноб хислатлар қолади. Пул, бойлик ҳаммаси топилади. Меҳр-муҳаббат, садоқат, ҳурмат каби тушунчаларни пулга сотиб олиб бўлмайди. Аёл зоти доимо меҳрга, эътиборга ташна бўлади. Уларга қанчалик эътибор кўрсатсак, бизга ҳам шунчалик эътиборли бўлади. Шунинг учун ойижоним ва аёлимнинг кўнглини бирдек кўтаришга интиламан" деди.

У кишига яна бир бошданоёқ разм солдим. Атрофимизда яшаётган шундай тушунган, ҳаётни англаган инсонларнинг борлигига ишониб, қалбимни эзиб, азоб бераётган, орадан анча вақт ўтса-да, ёдимдан чиқара олмаётган тонгги воқеа яна бир ёдимга келиб этим жунжикди. Бирдан бундай маъсум туйғулар ўрнини яна қандайдир ёқимсиз ҳислар эгаллади.

"Аслида ҳаёт оддий, уни ўзимиз мураккаблаштирамиз", дейди Конфуций. Исботини ҳаётда жуда кўп учратамиз. Баъзида қимматли вақтимизни арзон нарсаларга сарфлаймиз. Баъзида эса арзон нарсаларни дея қимматли нарсаларимиздан айриламиз. Бу математикадаги тўртта амал билан ўлчаб ечиладиган мисол эмас, балки ҳаёт қонунияти. Кимдир оила бахти деб мол-давлатни ҳисобласа, кимдир меҳр, оқибат, эътибор, ҳурмат каби тушунчалар билан оила бахтига эришади.

Мурод РАҲМАТ

КИСҚА САТРЛАРДА ЎҚИНГ!

Ҳужжатлар билан танишишни асоссиз рад этиш мансабдор шахсларга 223 минг сўмдан 446 минг сўмгача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

“Кечир бизни, она тилим!”

Она тили — миллат тили, Ватан тили деганидир. Мактабда она тили дарсларининг қисқартирилиши миллат маънавиятига қарши бориш билан баробар. Ўзи ўн бир йил давомида мактабда “карочи”, “а так”, деган ўрисча сўзларни айтиб, эшитиб, ўзбек тилини булғаб ўқидик. Юртимизда ўрисча сўзни қўшмасдан гапира оладиган чин ўзбеклар сони кундан-кунга камайиб бормоқда. Ҳаттоки, қўшиқларда ҳам “вапше маладес”лар тасвирланяпти.

Кўчага чиққанимизда, шаҳар марказларида юрганимизда деярли битта бўлса ҳам хатоси йўқ “афиша”га кўзимиз тушмайди. Нашр қилинаётган китобларда, чоп этилаётган газета ва журналларда камида битта имловий хато топилади. Бу бугунги ҳолат, бугунги ҳақиқат, албатта. Агар эртага она тили дарслари янада камаядиган бўлса, шубҳасиз, ўқувчиларнинг чаласаводлиги янада ошади. Қарор муаллифлари битта саволга жавоб беришсин. Битирувчи ўқувчилардан она тилида иншо олинганида синф бўйича тўқсон фоиз бўлса ҳам натижа қайд эта оладиган мактаб Ўзбекистонда борми?

Жавоб бериш қийин. Лекин дарсларни камайтириш бўйича қарор қабул қилиш осон. Қарорга имзо чекиш беш сонияга ҳам бормайди. Аммо ана шу сониялар туфайли йиллар, асрлар давомида шаклланган ўзбек тилига путур етиши мумкин. Охирги пайтда баъзи хусусий телеканал деган маданиятсизлик “қамоқхона”ларида ўзбек тили “ўзқул тил”га айлантириляпти. Бачкана кўрсатувлар, бемаъни қўшиқлар, гапираётганда русча сўзни қўшадиган баъзи «журналистлар» биз ёшларни тафаккурдан узоқлаштириб, илмсизлик жарига етакламоқда. Ана шу қамоқхоналарда онгимиз маҳбус бўлишини хоҳламасангиз, она тили дарсларини қисқартирманг!

Биринчи синфдан бошлаб мактаб масжид каби улуғ жой эканини уқиб улғайдик. Ана энди ўзингиз тафаккур қилинг. Қайси масжидда намозлар қисқартирилибди? Борми шунақа масжид..?

Жорий йил мактабни тамомладим. Чин сўзни айтсам, таниганларим, билганларим орасида ўз исмини тўғри ёза олмайдиганлар ҳам бор. Бўғиз ундоши билан чуқур тил орқа ундошини фарқлай олмайдиган, адашадиган ўқувчилар сони мамлакатимизда миллиондан ошади. Яна бир ўзимдан мисол келтирай. Ҳайит сўзи бўғиз ундоши, яъни ҳ ҳарфи билан ёзилиши керак. Туғилганлик ҳақидаги гувоҳномамда эса, Хайитбоев деб ёзгани учун паспортни ҳам хато ёзилган фамилия билан қабул қилиб олганман. Лекин ёзган ҳамма мақолаларимга Ҳайитбоев, деб ёзаман. Ўн саккиз йил муқаддам гувоҳномамни ёзаётган ходим саводли бўлганида эди, бугун расмий ҳужжатларда бобом раҳматлининг исмларини хато ёзишга мажбур бўлмас эдим.

Келгусида ўзбек тили бўйича мутахассис бўлишни мақсад қилганман. Чет давлатларда ўзбек тилини ўргатадиган мактаблар очиш ниятим бор. Аммо... Она тили дарсларини қисқартириш бўйича ғоя илгари сурилаётганини эшитиб, бўлғуси мутахассис сифатида жим туришим мумкин эмас, деб ўйлайман. Биринчи синфдан бошлаб мактаб масжид каби улуғ жой эканини уқиб улғайдик. Ана энди ўзингиз тафаккур қилинг. Қайси масжидда намозлар қисқартирилибди? Борми шунақа масжид..? Илтимос, илм масжидлари ҳисобланган мактабларда энг юракка яқин бўлган она тили фани соатларини қисқартиришга ҳаракат қилманг.

Битта ҳақиқат ҳам мавжуд. Мактабларда она тили ва адабиёт дарсини тарбиявий соат дарсига айлантириб юборадиган, савол берсангиз, жавоб бера олмайдиган ўқитувчилар ҳам бор, албатта. Дарсларни қисқартириш бўйича кўплаб мақолаларга, изоҳларга кўзим тушди. Аксарият фан ўқитувчилари маошлари камайишини даъво қилиб, “куюниб” ёзган фикрларни ҳам ўқидим. Очиғи, она тилининг нуфузидан олдин ўз чўнтагини ўйлайдиган ўқитувчилар бор экан, Ватанимиз тили, миллий тилимиз қадрсизланиб бораверади.

Нима учун инглиз тили жаҳон тили ҳисобланади? Нима учун дунёнинг ярми рус тилида мулоқот қилади? Чунки, инглизлар, руслар ўз мактабларида она тили дарсларини қисқартиришмайди. Миллий тилларини ҳурмат қилишади, қадрсиз қилиб қўймайди. Агар ўзбек тилини ҳам жаҳон тиллари қаторида кўрмоқчи бўлсак, ўз оёғимизга болта урмайлик. «Ие, ўзбек тили ҳам жаҳон тили бўладими», деб эртакка ишонмагандай фикрласангиз, марҳамат, она тили дарсларини қисқартираверинг.

Бутламадик емирилган дарзларингни,
Эшитмадик фиғон чеккан арзларингни,
Қисқартирмоқ пайидамиз дарсларингни,
Йиғламоқдан тийилмоқда бугун илм,
Она тилим, кечир бизни, она тилим.

Ёрқинжон ХАЙИТБОЕВ,
Гулистон давлат университети талабаси

Одам қадри пул биланми?

Одам савдосининг ҳар бир ҳолати умумий зарар келтиради; ҳар бир жиноят инсон қадр-қимматининг асосий ғояларига зулм бўлиб, шахсларга, шунингдек, уларнинг оилалари ва жамоаларига оғир руҳий зарба беради. Агар одам савдосига призма (кўпбурчак) сингари ёндашиш имкони бўлса, ҳар жабҳада жиноятчиликнинг мазмуни жиҳатидан бир хил бўлган, бироқ бошқача кўриниши аксэттирилган. Биргаликда улар одам савдогарлари барча жинсдаги катталар ва болаларни, маълумот даражаси, миллати ва иммиграцион мақомини ноқонуний ва ноқонуний секторларда хизмат кўрсатишга мажбурлаш учун ишлатадиган кенг ва хилма-хил усулларни намойиш этадилар.

Одам савдоси билан шуғулланувчилар оила аъзолари, ёлланма ишчилар, иш берувчилар ёки бегоналар бўлиши мумкин. Улар қурбонларни тижорат, жинсий алоқада бўлишга мажбурлаш ёки уларни мажбурий меҳнатга жалб қилиш учун заифлик ва вазиятдан фойдаланиши сир эмас. Ушбу кўп қиррали жиноятлар сиёсатчиларни қийнаши мумкин. Одам савдосининг пойдевор элементларини тушуниш қийин ва бундай эксплуатациянинг ҳақиқий дунёсини аниқлаш жуда мушкул. Муҳими, ҳукуматлар одам савдосига қандай муносабатда бўлиши кўп жиҳатдан ҳокимиятнинг жиноятни қандай қабул қилишига боғлиқ. Агар мансабдор шахслар одам савдосини жиноят деб билса ва унинг асосий унсурларини аниқ тушунса, улар одам савдогарининг қандай схемасидан қатъий назар аниқлайди ва унга қарши курашиш учун яхши жиҳозланган бўлади.

90 йилларда одам савдоси қисман собиқ Совет Иттифоқининг қулаши, миграция оқими ва глобал миқёсда фаолият юритаётган трансмиллий жиноий ташкилотларнинг кўпайиши билан боғлиқ ташвишларнинг асосий мавзуларига айланди. Разведка маълумотлари ушбу ташкилотларнинг энг катта даромад манбаи сифатида жинсий одам савдоси ва мажбурий меҳнат шаклларига ишора қилди. Одам савдосига қарши курашдаги биринчи ҳаракатлар асосан аёллар ва қизларнинг жинсий савдосига қарши курашга қаратилган эди. Академик маърузалар ва янгиликлар мақолалари одам савдогарлари бутун дунё бўйлаб одамларга ва жамоаларга қандай таъсир қилганликларини намойиш этади. 1994 йилда Давлат департаменти Инсон ҳуқуқлари амалиётига бағишланган йиллик маърузанинг бир қисми сифатида одам савдосининг мониторинги билан шуғуллана бошлади.

Бугунги кунга келиб, Ўзбекистон Республикаси БМТнинг Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши курашиш конвенцияси ва Одам савдосининг олдини олиш тўғрисидаги Протоколга имзо қўйган. Шу йил «Инсон савдосига қарши курашиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганига 12 йил тўлди.

Президентимизнинг “Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонига мувофиқ сўнгги йилларда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш бўйича кенг миқёсли ишлар амалга оширилди. Ҳуқуқбузарликларнинг барвақт профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш, шу жумладан, устувор йўналиш ҳисобланган одам савдосига қарши курашиш ва мажбурий меҳнатни таг-томири билан йўқотиш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Болалар меҳнатига барҳам берилди, қишлоқ хўжалиги ишлари, ҳудудларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш даврида катталарнинг мажбурий меҳнатидан фойдаланишга чек қўйиш бўйича мисли кўрилмаган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини кафолатли ҳимоялаш ҳамда халқаро майдонда давлатимиз имижини ошириш мақсадида фуқаролик жамияти вакиллари ва мазкур соҳадаги хорижий ноҳукумат ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликни таъминлаш бўйича иш олиб борилмоқда.

Шу билан бирга ҳозирги вақтда одам савдосига ва мажбурий меҳнатдан фойдаланишга қарши самарали курашишга тўсқинлик қилаётган бир қатор салбий омиллар сақланиб қолаётганини таҳлиллар кўрсатиб турибди.

Сўнгги йигирма йил ичида халқаро ҳамжамият одам савдосига нисбатан тушунчани яхшилаш ва уларга қарши курашиш орқали фойда кўрмоқда. Ҳукумат, ноҳукумат ташкилотлари, халқаро ташкилотлар, академиклар, ҳамжамиятлар ва одам савдосидан омон қолганлар биргаликда иш олиб борган ҳолда, одам савдосининг тўлиқ манзарасини яратди. Одам савдосидан жабрланганлар миллионлаб (айрим маълумотларга кўра, 700 минг, бошқасида эса 2,7 млн.) бўлиб, уларнинг 80 фоизини аёллар ва болалар ташкил қилади. Норасмий маълумотларга қараганда, ҳар йили дунё бўйича 4 миллион нафарга яқин одам ҳар йили мажбурий меҳнатдан фойдаланиш учун давлатлараро чегарадан ўтади. Бу эса бугунги глобаллашган замонда огоҳликни талаб қилади. Атрофдаги инсонлардан хулоса чиқариб, келажагимиз учун бепарво бўлмайлик!

Райҳон ЖЎРАЕВА,
ТАТУ талабаси

Коронавирус билан касалланган беморларни даволашга мўлжалланган махсус “1-сон Зангиота” ва “2-сон Зангиота” шифохоналари ташкил этилди.

Ушбу жумлаларни ёзишга нима ҳақинг бор ўзи, дея ёзғирманг. Бутун халққа баҳо беришга ким ҳуқуқ берди сенга, дея маломат ҳам қилманг. Кўзда ёш, юрак қоним билан ёздим бу жумлани. Эҳтимол, ҳиссиётларга берилгандирман, балки жаҳл билан ёзгандирман. Аммо қуйидаги каби хабарларни ўқиётган киши борки, ғазаб отига минган, «наҳотки!» дея ҳайратлангани, «ҳаммаси бир буларнинг!» дея қўл силтагани табиий.

“Ҳалоллик вакцинаси”

унга жуда муҳтожмиз

...Шаҳрихонда кам таъминланган оилаларга ажратилган 82 миллион сўм маблағ талон-торож қилинган.

...Тошкент вилоятида мансабдор шахслар маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими раҳбари ҳамда бош ҳисобчи билан давлат бюджетининг 109,2 миллион сўм пулини ноқонуний ўзлаштирган. Шунингдек, улар “Саховат ва кўмак” фондидан 44 миллион сўмни ҳам ўзлаштириб, ўз мақсадлари учун ишлатиб юборган.

...Қашқадарёда санитария-эпидемиологик осойишталик маркази ходимлари 900 миллион сўмдан зиёдроқ пулни ўзлаштириб юборган. Яна худди шундай марказларнинг Навоий, Бухоро, Андижон, Наманган вилоятларида ҳам бир неча миллионлаб, коронавирусга қарши курашиш мақсадида ажратилган пуллар ўзлаштириб юборилган...

...Бухорода “Саховат ва кўмак” фондининг пуллари ўзлаштирилгани аниқ бўлди.

Бугун булар ҳақида ижтимоий тармоқларда фикр билдирмаган киши қолмади, ҳисоб. Уларнинг баъзиларини бир ўқиб кўринг-а. Мисол учун, таниқли журналист Элмурод Эрматовнинг вирусга қарши курашувчи идоралар раҳбарлари томонидан йирик маблағлар ўмариб кетилганлиги ҳақидаги постига нисбатан қуйидагича изоҳларни ўқийсиз ва уларнинг барчаси оғриқ ва нафрат билан ёзилганини ҳис қиласиз.

Илҳом Каримов: Аслида бу рўйхатдаги энг кам еганлари бўлса керак. Чунки қолганлари еган жойида из қолдирмай юриш бўйича катта тажрибага эга (бўлиши мумкин).

Отабек Раҳимов: Айбдорларнинг исм-шарифини, эгаллаб турган лавозимини тўлиқ ёзинглар, токи ўша пулдан луқма еган қариндошлариям изза бўлсин. Шуларни ўйлаб кейингиларим тийилармиди шунда...

Шарофиддин Ҳошимжонов: Бу фақат СЭОМ, яна қанча ўмарганлар бор, ким билади!? Энг қизиғи, булар қайтарилдими? Уйидан топилганлар “ашёвий далил”га айланмай жойига қайтиб қўйилдими? Саволлар кўп.

Ҳақиқатдан ҳам саволлар кўп. Коррупция, порахўрлик илдиз отганини ҳаммамиз тан олардик. Бунга қарши курашайлик, деб қанча йиғилишлар қилинди, неча тадбирлар шу мавзу доирасида хўжакўрсин учун ўтказилди. Коррупцияга қарши курашайлик, деб турган инсонларнинг ўзлари бу иллатдан йироқ эмаслигини яхши билган маъруза тингловчилар мийиғида кулиб ўтиравераради.

Кейинги пайтларда коррупция ҳолатларининг айнан қайси ташкилотларда рўй бераётгани очиқ-ойдин айтилиши маърузаю тадбирбозликдан кўра, анча самаралироқ бўлди, назаримда. Хусусан, ҳозирги пандемия даврида коррупция, давлат бюджети маблағларининг ўмарилиши ҳолатларининг айтилаётгани халқнинг газабини келтираётган бўлса-да, аммо жуда муҳим жараён саналади.

Ижтимоий тармоқлардаги фикрлардан кўриниб турибдики, биз коррупция ботқоғига ботиб қолганимизни яхши билсак-да, бу даражада инсофсизлик ботқоғига чўкиб кетганимизни тасаввур қилмасдик. Бюджет маблағларининг ўзлаштирилаётгани ҳақида очиқ-ошкор айтилаётган хабарлар бир қарагандa халқнинг жаҳл отига минишига сабаб бўлиб, ижтимоий тармоқларни “портлатиб” юборган бўлса-да, кишига озгина умид ҳам беради. Сабаби шу пайтгача коррупция ҳолатлари аниқланар, аммо мансабдор шахсларнинг бундай ҳаракатлари камдан-кам ҳолатда, аниқланганлари ҳам очиқ айтилмас эди.

Коррупцияга қўл уриб, кейин яна худди ҳеч нарса бўлмагандай турли идораларда (баъзилари, ҳатто, лавозимли жойларда) ишлаб юрганига гувоҳ бўлгач, коррупциянинг илдизига болта уришнинг иложи йўқ экан-да, деган хаёлга борардик.

Умуман, бундан бир неча йиллар аввал давлат идораларида ҳалоллиги учун ишлай олмаган қўплаб кадрларнинг хорижга чиқиб кетганига гувоҳ бўлганмиз. Эътибор беринг, ишини билмагани ёки саводсизлиги учун эмас, яхши, билимли мутахассис айнан ҳалол ишлагани учун ҳам баъзи давлат идораларида ишлай олмаганига мисоллар бор. Ҳозир ҳам бундай ҳолатлар тамоман йўқолган, деб айтолмаймиз. Йўқолмагани учун ҳам халқ бошига ташвиш тушган бир пайтда шунча маблағнинг ўмарилишига гувоҳ бўлиб турибмиз. Ташвишли кунларда бюджет маблағлари шундай талон-торож бўлар экан, бошқа пайтларда қандай “савдолар” бўлиши мумкинлиги ақлингга сиғмайди.

Коррупцияни йўқотиш учун шу кунларда яна бир катта ташкилот тузилди. Корруцияга қарши курашиш агентлиги ҳали қандай вазифаларни бажариб, қандай натижаларни кўрсатади, буёғи бизга ҳозирча қоронғи. Аммо шу қоронғилик ичра ушбу ташкилот бир ёғду бўлишига умид ҳам йўқ эмас.

Ёмони, ҳатто, айтишга тил, ёзишга қўллар қалтираб кетадиган бир ҳолат ҳам бугун тармоқларда тобора очиқроқ айтилмоқда — вирусдан вафот этганларнинг жасадлари ҳам пулга чақилаётгани ҳақида.

Хусусан, фейсбук фойдаланувчиси Гулнора Маҳмудова шундай фикрларни ёзади: “Ватандошларимдан олдиндан минг бора узр сўраб, яна бир жуда ташвишли масала ҳақида ёзяпман. Вирус балосига қарши курашиш ҳамманинг иши бўлгани учун, яна юзлаб одамларга касаллик тарқалмаслиги учун бефарқ туролмадим.

Шифокорларимизга таъзим қиламиз! Лекин Ковид туфайли вафот этганлар жасади касалхонадан "келишилиб" яқинларига бериб юборилаётган ҳолатлар бўляпти. Марҳумларга, яқинларига ҳурматимиз, таъзиямиз чексиз. Аммо у хонадонларда ўлган билан ҳамма тегишли амаллар қилиняпти, одамлар жанозага йиғиляпти. Яқин инсонни йўқотиш қанчалик оғриқли бўлмасин, бошқа зарарланмаган қариндошлар, болалар, қариялар, маҳалладошларимизни асрашимиз керак!".

“Келишиб” сўзи бу ўринда қанчалик оғриқли...

Журналист Азиза Қурбонова эса фейсбукда шундай пост қолдирган: “Танишим айтди: Акасини 84-номер остида моргдан 1,5 кунда олиб чиқишибди. Ўликка ҳам жонли навбат. Шунчаки, улгуришмаяпти экан. Статистика эса 4 ва 3 ни санайди”.

Ушбу постни изоҳлаган Наргис Қосимова эса “Энг ёмони коронавирусдан ўлганларнинг жасадини сотишяпти яқинларига. Яқинда танишимнинг опаси 15 миллион бериб зўрға олибди”, деб ёзади.

Ҳа, пандемия жуда кўп нарсани очиқликка олиб чиқди. Саховатли инсонларнинг кўплигини ҳам, халқ бирлашса, катта ишларга қодирлигини ҳам, қўлида амали борларнинг нафс ўлчовларини ҳам, қўлида амали йўғ-у, пайтдан фойдаланиб, халқнинг пулини шилишга қодир инсонларнинг кимлигини ҳам... Ҳамма ҳаммани... Шуларни ўйларканман, коронавирусга қарши вакцинадан ҳам кўра, “ҳалоллик вакцинаси” тезроқ пайдо бўлишини истадим. Эҳтимол, ўшанда вирусни жиловлаш ҳам осонроқ кечармиди...

Гулруҳ МЎМИНОВА

Ушбу қўш саҳиф Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг “Жамият — ислоҳотлар ташаббускори” Давлат ижтимоий буюртмаси асосида тайёрланди.

Биласизми?

Жигар хасталикларини даволаш

- **Қизил бодрезак мевасининг шарбатини асал билан аралаштириб ичсангиз, жигар хасталигига даво бўлади.**
- **Жигар кучсизлигини даволашда анор дони ва майизни уруғи билан чайнаб ейиш қўл келади.**
- **Ҳар куни 3,5 грамм зира истеъмол қилиб юрилса , жигарни мустаҳкамлайди.**
- **Жигарни тозалаш учун ҳар куни 5 граммдан кунгабоқар илдизининг сувидан ичиб юриш керак.**
- **Тол барги ва новдаларини ёйиб устида ётилса, жигар иссиғини даф қилади.**
- **Ширин анор сувини мунтазам истеъмол қилиб юрилса, жигар тозаланади ва қуввати ортади.**
- **Мунтазам шакар истеъ мол қилиш билан жигарни кучлантириш мумкин.**
- **Балиқни оловда кабоб қилиб ейилса, заифлашган жигарга жуда фойдали.**

Маъсуда ЁҚУБОВА тайёрлади.

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ
ЖАМИЯТ
Миллий нашр газетасининг 2006 йил 31 августдан чоп этиш бошланган www.bong.uz jamiyat@umail.uz

Муассислар:
Фуқаролик жамиятини ривожлантириш маркази.
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.
Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси.
Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди.
Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси.
Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.
Ўзбекистон экологик ҳаракати.
Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси.
“Фуқаролик жамияти — Гражданское общество — Civil society” журнали.

Бош муҳаррир
Мақсуд ЖОНИХОНОВ

Таҳрир ҳайъати:
Рустам Комилов
Борий Алихонов
Акмал Саидов
Раҳмат Маматов
Нуриддин Убайдуллаев
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Актам Ҳайитов
Адҳам Иқромов

Газета таҳририятнинг компьютер бўлимида саҳифаланди.
“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Буюк Турон кўчаси 41.
Буюртма рақами Г-814 Адади: 1112.
Жума куни чиқади.
Қоғоз бичими А-3, ҳажми 2 босма табоқ.
Баҳоси келишилган нархда.
Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 2006 йил 0010-рақам билан рўйхатга олинган.
ISSN 2010-7722

Навбатчи: Дилбар Маҳмудова
Дизайнер: Бегали Эшонқулов
100000, Тошкент шаҳри Матбуотчилар кўчаси 32.
Маълумот учун телефонлар: (71) 233-72-77, 233-91-55
Реклама ва эълонлар учун:
Электрон почта: jamiyat@umail.uz
Газета индекси — 131
“ЖАМИЯТ”дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.
ЎзА якуни:
Топширилган вақти: 15:15
1 2 3 4 5 6

КИСКА САТРЛАРДА ЎҚИНГ!

Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби “икки диплом” модели асосида мутахассис тайёрлайди.

Сўқир

Соат чамаси кечки ўнга яқинлашган, мен кечқурунги хўракдан кейин ўз хонамда одатий юмуш — китоб мутолааси билан машғул эдим. Бир маҳал айвон тарафдан бегона аёлнинг таънали овози келди:

«Яхшимисизлар, бундай айланиб ҳам бормайсизлар...»

Алламаҳалда ким келди экан деб ҳайрон бўлдим. Диққатим ошди. Китобни бир четга суриб, ўрнимдан турдим ва айвонга, овоз келаётган томонга қараб юрдим.

— Э, омонмисиз, яхшимисиз, ука, — деди юзлари офтобда қорайиб кетган, бошида оҳорли рўмол, эгнида урфдаги матодан қўйлак-лозим кийган аёл ўтирган жойдан дик туриб, мен билан саломлашишга ҳозирланди. Элликнинг нари-берисидаги бу қорамағиз аёл билан ётсираган кўйи кўришдим. Шу дам онам чойнак-пиёла келтириб, хонтахтадаги ёзилган дастурхон устига қўйди.

— Чойни қайтариб тур, — онам шундай деб яна ортига, ошхона томон йўналди. Кўп ўтмай, ошхона тарафдан қозонга ташланган ниманингдир «жизиллаган» товуши, кейин димоққа гўшт ҳиди келди.

«Онам овқатга уннади», кўнглимдан шу ўй ўтди.

Уйда онам иккимиз эдик. Бу дам меҳмоннинг ўзини ёлғиз қолдириш одобдан эмас, онам то таом пишириб келтиргунича анча вақт ўтиши тайин эди.

Мен кўрпачага чордона қуриб ўтириб, чой қайтардим. Анъанага кўра, уч бора пиёлага чой қуйиб, чойнакка тўккач, олдини ўзимга сузиб, кейин меҳмон аёлга пиёлани яримлатиб узатдим.

— Қани опа, чойдан олинг.

Меҳмон менга ҳайрон қараб қолди. Аммо дарров ҳушини йиғиб, ҳол-аҳвол сўрашга тушди.

— Қандайсиз, ука, ўқиш-ишларингиз тузукми, чарчамаяпсизми? Уйдагилар, дадангиз яхшимилар?

Ана шу гап эриш туюлиб кетди. Ёқмади. Беш бегона аёл бўлса, дадамни танимаса, нима кераги бор ўзига номаҳрам бўлган эркакдан гап очиб, дедим ўзимга. Дарҳол мавзуни бурдим. Ўзим чаққонлик қилиб, ундан ҳол-аҳвол сўрашга тушиб кетдим.

— Ўзингиз яхшимисиз, жиянлар яхшими, уйдагилар тузукми?

— Шукр, шукр, ҳамма яхши.

Мени шу дам бир савол қийнаётганди. Бу савол тагидан яна саволлар келиб чиқаверарди: бу аёл ким, нега алламаҳалда уйимизга кириб келди, мақсади нима, қаердан келяпти ўзи, нима юмуши бор экан? Саволлар ич-ичимдан қуйилиб келаверса-да, тахмин жавоб билан ўз-ўзимни овунтириб турдим:

«Онамнинг дугонаси бўлса керак. Шевасига қараганда, тоғлик одамларга ўхшайди» (онам турмушга чиққунига қадар тоғли ҳудудда яшаган, сўнг шаҳарга, мен туғилган хонадонга келин бўлиб тушган).

Меҳмон билан гапимиз қовушмади. Мен ўзимни бегона олаётганим учун унинг саволларига «ҳа», «йўқ» дея кифояланаётганимдан аёл ортиқ сўз айтмасликка қарор қилди чоғи кўзларини бир нуқтага қадаб, хаёл суриб қолди.



Қанча вақт ўтди, билмайман, онам картошка ва гўшт қовуриб солинган товоқни келтириб, дастурхонга қўйгач, ўрнимдан қўзғалдим. Онам ва меҳмон мени овқатланишга қанча унашмасин, қорним тўқлигини рўкач қилиб, хонамга кирдим. Мутолаани давом эттирдим. Ора-сира қулоғимга уларнинг хушнуд овозлари чалинар, гоҳ-гоҳ менга нотаниш бу кимсанинг самимий, жарангдор кулгуси хаёлимни ҳам бузиб ўтарди...

Дам олиш куни бўлгани учун кеч уйғондим. Қўл-юзларимни ювиб, артиниб келиб нонушта қилиш учун хонтахта атрофига чўккаладим.

— Кечаги меҳмон кетдими?

— Ҳа, янганг кетди.

— Янгам?

— Ҳа, Мавлуд тоғангнинг аёли-да? Жиззахдан келётган экан, пединститутда ўқиётган қизининг олдидан. Кечга қолгани учун уйига бормай, тўғри бизникига келибди.

Ўз-ўзимдан хафа бўлиб кетдим. Узоқ қариндош бўлса-да, тўй-маъракалардан қолмайдиган, оқибатли Мавлуд тоғамнинг хотинини танимабман. Одам деган шунчалар ҳам сўқир бўладими? Кеча опа деганимга бежизга ажабланмаган экан-да?

Нонушта томоғимдан ўтмади. Аччиқ бир нарса тиқилиб қолгандек туюлди. Уни на чиқариб ташлашга, на ютиб юборишга ўзимда куч топа олдим.

Умид АЛИ

"Директор"

Ҳажвия

Жумавой дўстларимизнинг ичида энг ақллиси, уддабурони, чиройли, сипо кийиниши билан ҳаммани лол қолдирувчи танти йигитлардан. Ташқаридан қараган одам уни бирон бир мансабдор киши деб ўйлайди, аммо ўзи оддий ўзимиз қатори йигит. Қўлидан келмайдиган иш йўқ. Ғишт теришми, лой сувоқми. Гоҳ-гоҳида бўёқчилик ҳам қилиб туради, аммо кийимини доимо тоза тутади. Челаклаб лойга қатнаса ҳам, қўлига андава олиб сувоқ қилса ҳам, устига бир томчи лой юқтирмайди. Ишга чиқаётганда ҳам уст-бошига бир қараб олади. Сочларини текис қилиб тараб пўрим кийинади. Шунинг учун ҳам унга дўстлари "директор"-деб лақаб қўйган. Бу лақаб унинг ўзига ҳам сарёғдек ёқади. "Директор"дейишганида баттар гердайиб ғоз юриш қилиб қўяди. Баъзида худди директорларга ўхшатиб буйруқлар ҳам бериб туради. Ҳатто, телефонимизга ҳам унинг рақамини "Директор" деб сақлаб қўйганмиз. Шу-шу, маҳаллада Жумавойни "директор"лигини ҳамма билади.

Бир куни дўстлар билан Тошкентга – ишга кетадиган бўлиб қолдик. Жумавой ҳам бизга қўшилди. Ғишт заводида ишлаяпмиз, иш оғир, бир пастга бўлса ҳам тиним йўқ. Аммо ойлиги нақд. Ишга келганимизнинг иккинчи ҳафтаси, дўстларимиздан биттаси:

– Бугун бир чарчоғимизни ёзмаймизми, ҳув анави ерда чиройли кафе бор экан. Пулимиз бўлса бор. Бир отамлашиб, маза килиб қайтайлик, бир келибмиз-да, Тошкентига деб қолди.

Дўстларимиздан иккаласи рози бўлди. Мен ва Жумавой чарчаганимизни баҳона қилиб хонада қолдик.

Вақт алламаҳал бўлса-да, ҳалиги кетган дўстларимиздан дарак йўқ. Хавотир ола бошлаган кезларимизда Жумавойга телефон бўлиб қолди.

– Алло, алло, сиз директормисиз?...

Воқеа асли мана бундай бўлган экан.

Улар кафега бориб чиройли ўтиради. Албатта, ичиб олиб биттасини кайфи ошиб қолади. Алжирай бошлайди. Кафеда тўполон кўтаради. Кафени эгаси дарҳол милицияга қўнғироқ қилади. Дўстларимизнинг учаласини ҳам милиционерлар идорасига олиб кетишади. Уларни сўроқ қилиб ўтиришганида милиционерлардан биттаси уларнинг қўл телефонини олиб кўздан кечираётиб, беҳосдан кўзи директор деб сақланган рақамга тушиб қолади.

– Мана буларнинг директорининг телефон рақами бор экан. Ҳозир директорларингга қўнғироқ қиламан, сенларни роса таъзирингни беради, – дейди ва Жумавой — "директор"га телефон қилади

– Алло, алло сиз директормисиз?

– Ҳа, директорман, – деб жавоб бериб Жумавой ҳам ҳайрон бўлиб менга елка қисиб қўйди.

– Мен ички ишлардан капитан фалончиевман, сизни ишчиларингиздан уч нафари бизга тушиб қолди ака.

Мен ҳам Жумавойни телефонига қулоғимни тутиб турибман. Вазиятни англаган Жумавой ўзини йўқотиб қўймай, овозини ўзгартириброқ жавоб берди.

– Уларнинг гуноҳи нима экан ўртоқ бошлиқ.

– Ичиб олиб, тўполон қилишган, жамоат тартибини бузишган, – деб нариги томондан жавоб бўляпти.

– Вой ярамасларей, мен уларга ҳали ичишни кўрсатиб қўяман. Агар келишса, паттасини қўлига тутқазиб ҳайдавораман, – деди Жумавой ғазаб отига минган киши бўлиб. Кейин мулойим оҳангда гапиришга ўтди, — командир ака, сиздан илтимос ишчиларимнинг гуноҳидан ўтинг. Яхшиликларингиз бизда ҳам қолиб кетмас, хизматингиздамиз ака. Жумавойнинг ҳар бир оғиз сўзида "ака"лаб туриши нариги томондагиларга ёқиб қолдими;

– Майли уларни келиб олиб кетинг унда. Учаласи ҳам чала "ўлик", росса бўкиб ичишган, юришга ҳоллари йўқ.

Жумавой ҳайрон бўлиб, менга нима қилай дегандай имлади. Мен йўқ дегандай бош ирғадим.

– Командир ака, энди узр, бир жойда ўтирган эдим. Савоб қилсангиз охиригача қилинг ака, уларни ўзингиз машинада ташлаб қўйинг, илтимос. Эртага ўзим хабарингизни оламан, – деди дабдуристдан, ҳайиқмай.

– Хўп ака, барибир йўлимиз ўша ёққа. – Қани турларинг, мининглар машинага, директорларингни ҳурмати учун қўйворяпман. Агар, яна бир марта ичиб олиб тўполон қилсанглар, қамайман, шу пайт уларнинг ичидан биттаси секин кулворган экан, – Нимага куласан директоринг таъзирингни беради ҳали борсаларинг.

Биз Жумавой билан бинонинг орқасида уларни кутиб турибмиз денг, шу пайт машина келиб завод олдида тўхтади. Учала маст ҳам гандираклаб ётоқхона томон кела бошлади. Машина изига кетиб бўлгач, Жумавой билан уларга пешвоз чиқдик.

Учаласи ҳам Жумавойни кела солиб қучоқлаб олишди.

– "Директор" бува бизни кечиринг, — деди, ҳатто, биттаси ҳазил аралаш кўзига ёш олиб. Сен бўлмаганингда бизни 15 сутка қамашарди.

– Ҳм, кўрдингларми менинг обруйимни, мени ҳатто пойтахтда ҳам ҳурмат қилишади, – деб қўйди баттар гердайиб Жумавой.

Болтабой Муҳаммад ҚУРБОН.

Сув чиқариш воситаларини сотиб олиш ва ўрнатишга давлат томонидан субсидия ажратилади.